

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 46 (1107), 2024 йил 5 март, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ2024 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Она замин ва табиатга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват, бунёдкорлик ва олижаноблик каби халқимизга хос эзгу фазилатлар энг қадимий байрамимиз бўлган Наврўз тимсолида асрлар давомида улугланиб, сайқал топиб келмоқда.

Айниқса, бугун, жамиятимизда инсон қадри юксалиб, бебаҳо бойлигимиз — еримиз, сувимиз ва табиатимизга, шу борадаги неча минг йиллик анъаналаримизга эътибор кучайиб бораётган Янги Ўзбекистон шароитида бу байрамнинг ҳаётиимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Дунёда мураккаб вазият ҳукм сураётган ҳозирги таҳликали даврда Наврўзнинг буюк инсонпарварлик моҳияти, ўлмас ғоялари, одамзотни тинчлик ва дўстликни қадрлаб, ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатликка яшашга, ҳаётни янада гўзал ва обод қилишга ундайдиган бунёдкорлик руҳи ва фалсафаси ер юзидagi турли халқларнинг олижаноб интилишларига ҳам гоят уйғун ва ҳамохандир.

Ана шундай ноёб фазилатлари билан бугун ҳам эзгулик ва тараққиётга хизмат қилаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилати томонидан халқаро байрам сифатида эътироф этилган Наврўзи оламнинг беқасб аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда ушбу айёмни юртимизда амалга оширишга қўлдан келгача ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрами мамлакатимизда “Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳ ва юқори даражада кенг нишонлансин.

2. 2024 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (А.Арипов) бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлаш бўйича ташкилий-амалий, маданий-маънавий ҳамда тарғибот

тадбирлари дастурини тасдиқласин, шунингдек, унинг амалга оширилишини таъминласин.

3. Жойларда Наврўз умумхалқ байрамининг барча тадбирларини миллий қадрият ва анъаналаримиз ҳамда замонавий тажрибалар асосида юқори савияда, оммавий сайиллар шаклида ташкил этиш, уларда халқимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

байрам тадбирларини баҳор айёмида борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни акс эттирадиган, юртдошларимизни бугунги тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган маъно-мазмун билан таъсирчан усулларда ўтказиш; мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар, халқимизнинг қўндалик ҳаёти, онги ва дунёқарашда юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг азалий қадрият ва анъаналарига ҳамохан эканини намоён этиш;

Тошкент шаҳридаги “Янги Ўзбекистон” мажмуасида алоҳида дастур асосида халқ сайилларини ташкил этиш;

бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланишини инобатга олиб, кекса авлод вакилларини, хусусан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат fronti фахрийларини ҳар томонлама эъзозлаш, “Меҳрибонлик”, “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий химоя дафтарларига киритилган ҳамда кўмак муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, улар учун дастурхонлар ташкил этиш ҳамда турли хайрия тадбирларини амалга ошириш;

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирларни амалга ошириш, Наврўз байрами арасида республикамизнинг барча ҳудудларида, кўча, маҳалла, туман ва шаҳарларда ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишларига қаратилган умумхалқ ҳашарларини ўтказиш;

жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳа

ва акциялар уюштириш, юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элал вакилларининг Наврўз байрамининг руҳи ва фалсафасига уйғун бўлган урф-одат, анъана ва қадриятларини кенг намоиш этиш;

байрам тадбирлари давомида хунармандчилик кўргазмалари, миллий спорт турлари бўйича мусобақаларни ўтказиш, китоб кўргазмалари, арзонлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари, кўчама савдо дўконларини ташкил этиш, кўклам таомларини тайёрлаш ҳамда уларнинг кўргазма-савдолари ва танловларини уюштириш;

барча шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган байрам тантаналарида, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, ҳар бир ҳудуддаги уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва анъаналарни кенг ёритиш.

4. Маданият вазирлиги (О.Назарбеков):

Республика Маънавият ва маърифат маркази (О.Ҳасанов), Ёзувчилар уюшмаси (С.Саидов) билан биргаликда бир ҳафта мuddатда Тошкент шаҳрида Наврўз байрамига бағишлаб ўтказиладиган театрлаштирилган концерт томошасининг дастури ва сценарийсини ишлаб чиқсин;

мазкур концерт томошасини тажрибали сценарист ва режиссёрлар, композитор ва бастакорлар, балетмейстерлар, сахна rassomлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан биргаликда, юқори бадий савияда тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) бир ҳафта мuddатда қўйидагиларни назарда тутувчи Наврўз умумхалқ сайилларини ўтказиш бўйича ҳудудий чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; умумхалқ сайиллари уюштирилади-

ган асосий майдонлар, кўча ва хиёбонларни миллий услубда байрамона безатиш;

умумхалқ сайилларига маҳаллий фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, цирк санъати вакиллари, оилавий ансамбллар, бахшилар, шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини белгиланган тартибда кенг жалб этиш;

байрам тадбирлари доирасида ҳар бир ҳудудга хос бўлган халқ ўйинлари, томошалар, кўргазмалар ўтказиш, баҳорий таомлар сотиладиган очиқ ошхоналар ташкил этиш;

б) байрам дастурларини ва оммавий томошаларни тайёрлашда, кўчалар, майдон ва хиёбонларни безатишда малакали мутахассислардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин;

в) барча тадбирлар жамоат хавфсизлиги талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминласин.

6. Белгиланган қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Тошкент шаҳрида — республика бюджетини ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетини маблағлари ҳисобидан тенг улушларда;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИЗУЛФИЯ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН
ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, уларнинг эзгу орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ўзининг иқтисодий, муҳим ғоя ва ташаббуслари, ибратли амалий ишлари ва эришган ютуқлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган, ижтимоий-иқтисодий ҳаётиимиздаги ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиб, Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрати, замонавий билим ва малакаси, маънавий-интеллектуал салоҳиятини намоён этаётган қизларимизни муносиб рағбатлантириш мақсадида:

1. Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтисодий қизларини аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, маданият, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги тақдирлаш иловагадиган рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 4 март

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхати 2-бетда.

Долзарб мавзу

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР
КЕЛАЖАК
ТРАНСПОРТИ

Жорий қиш фасли охирида ҳаво совиб, бир неча кун узлуксиз қор ёғди. Қор запти ҳали сезилиб турибди. Лекин шундай шароитда ҳам Тошкент шаҳри февраль ойида AQAIg рейтингига ҳавоси ифлосланиши даражаси бўйича дунё шаҳарлари орасида биринчи ўринни эгаллади ва ҳалигача юқори ўнтаклик рўйхатида турибди. Бу ҳолат доимий тус олаётгани янада ачинарли.

Мамлакатимизда совуқ кунлар бошланиши билан электр энергияси, табиий газ, бензин таъминотида узлишлар одадий тус олган. Айниқса, автомобилларга газ қўйиш шохобчаларида кузатилаётган турли нохуш ҳолатлар масалала жиддий эътибор қаратиш заруратини эслатмоқда.

Албатта, бу борада мутасаддилар, тегишли вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида чоралар кўришга ҳаракат қилмоқда. Дастлаб бунинг сабаблари ўрганилиб, ҳулосалар тайёрланди. Ҳаво ифлосланиши хусусида танқидлар кўпайгани ортидан Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўз ҳулосаларини берди. Унда пойтахтда атмосфера ҳавоси ифлосланишига асосий сабаблар сирасига автотранспорт кўпайиши ва фойдаланилаётган ёнилғи сифати киритилди.

Вазирлик маълумотида келтирилишича, юртимизда автомобиллар сонини 2023 йилда 4,6 миллион донага етган. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида бир кунда ўртача 730 мингта автотранспорт воситаси ҳаракатланиб, кўшимча равишда ҳудудлардан 160 мингдан 300 минггача кириб келмоқда.

Шаҳарларда транспорт ва пидедалар оқими кесимлари сони камайтирилмаган, магистраллардаги юклама даражаси пасайтирилмаган, транспорт оқими таркиби, тезлик режими тартиби оптималлаштирилмаган, йўл ҳаракати тўғри ташкил этилмаган. Натияжада Тошкент шаҳрида тирбандлик кўп кузатишмоқда. Тирбандликда турган автомобиль эса ҳаракатдагисига нисбатан атмосферага кўпроқ ташлама чиқаради.

Маълумотда, шунингдек, иқтисодий тармоқлари ва аҳолининг энергия ресурсларига талаби ортиши натижасида углеводородлардан, жумладан, кўмир ёқилгисидан фойдаланиш ҳажми ортаётгани, куз-қиш мавсумида аҳолига марказлашган иссиқлик таъминоти бериш учун мавжуд иссиқлик энергияти корхоналарида қўшимча ёнилғи сифатида мазут ишлайтилаётгани ҳам (биргина Тошкент шаҳридаги мавжуд 6 та иссиқлик марказининг 9 та қозонхонасида декабрь ойида 3 минг тонна мазутдан фойдаланилган) ҳавонинг кескин ифлосланишига олиб келаётгани қайд этилди.

Давоми 4-бетда

ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ВА
ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

Тараққиёт йўли

Янги ва юксак марраларни забт этишдан олдин доим янги йўллари очиш керак бўлади. Йўл — бу чора-тадбирлар режаси, ҳуқуқий асос демак. Юртимизда кейинги йиллардаги ислохотлар ана шундай аниқ режа асосида кечмоқда.

Натижада халқни рози қилиш, ишончини қозонишдек саодатга эришяпмиз. Хоразм ва Қорақалпоғистон оралиғидаги масофани яқинлаштирган янги кўприк ҳам кейинги йиллардаги ижобий ўзгаришларнинг том маънодаги ифодасидир. Муҳим стратегик иншоот нафақат масофани, балки қалбларни ҳам бир-бирига янада яқинлаштирди. Ишонч, дўстлик ва фаровонлик рамзига айланди.



Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу кўприк лойиҳаси билан 2020 йилнинг декабрида Хоразмга ташрифи чоғида танишган, кўп ўтмай, ҳозирги мухташам кўприкнинг қурилиши бошлаб юборилган эди. Кечагидек эсимда, 2021 йил Президентимиз

Қорақалпоғистондан Хоразм вилоятига сайловчилар билан учрашувга кетаётганда Амударёда қурилаётган кўприкни кўздан кечирганди. Ушунда ҳам давлатимиз раҳбари кўприк қуриш билан боғлиқ ишларни жадаллаштириш борасида топшириқлар

берган эди. Натияжада қисқа фурсатда Амударё устида 413 метр узунлидаги, 174 миллион долларлик лойиҳа доирасида кўприк ҳамда 85 километр темир йўл барпо этилди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 4 мартдаги ПҚ-111-сон қарорига илова

Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар РЎЙХАТИ

Худайбергена Гулшина Жангабаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 1-болалар муסיқа ва санъат мактабининг бахшичилик синфи ўқитувчиси

Коканова Нурсули Женисбай қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг чет тиллари факультети филология йўналиши 4-босқич талабаси

Сулейманова Ўғилхон Абдуразақ қизи — Ўзбек миллий мақом санъати марказининг Анджион вилояти бўлими артист-мақомчиси

Жонибова Хусниёбону Эргашвой қизи — Анджион вилояти Хўжабод тумани “Гара гури” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ёшлар етакчиси

Пулатова Моҳичеҳра Темировна — Бухоро давлат университетининг қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича таянч докторанти

Тўхтамишова Гулнора Мэлс қизи — Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 2-касб-хунар мактабининг информатика фани ўқитувчиси

Чилмурзаева Мафтуна Абдуманнон қизи — Ўзбекистон Миллий университетининг қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик ихтисослиги бўйича мустақил тадқиқотчиси (Жиззах вилояти)

Хожибоқиева Нигинахон Ўткир қизи — Ўзбекистон Миллий университетининг Жиззах филиали психология факультети иқтисодий йўналиши 3-босқич талабаси

Ҳакимова Шаҳзода Баҳриддин қизи — Тошкент табиёт академиясининг даволаш факультети 1-босқич талабаси (Қашқадар вилояти)

Мирзаёрова Севара Убайдуллаевна — Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг санъат ихтисослиги энергетика ихтисослиги бўйича таянч докторанти

Эшпўлатова Моҳира Ўткиржон қизи — Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси (Навойи вилояти)

Омонбоева Меруерт Эркин қизи — Навойи вилояти Нурота туманидаги “Қосимқажо-Меруерт” масъулияти чекланган жамияти директори

Ҳакимова Дилшода Ойбек қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг англиз филологияси факультети 4-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Аҳмаджонова Муҳайёжон Акрамжон қизи — Тошкент табиёт академиясининг даволаш факультети 6-босқич талабаси (Наманган вилояти)

Савадия Вилана Арсеновна — Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 51-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

Юнусова Наргиза Тўйчимурад қизи — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани “Кўшчинор” газетаси муҳбири

Акрамова Сарвиноз Абдувоҳид қизи — Тошкент давлат шарқшунослик университетининг шарқ филологияси ва таржимашунослик факультети 3-босқич талабаси (Сирдарё вилояти)

Ирисқулова Камола Нормат қизи — Тошкент давлат транспорт университетининг автомобиль йўлларини лойиҳалаш ва куриш мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти (Сирдарё вилояти)

Эргашова Садоқат Эшмамат қизи — Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўзбек адабиёти ихтисослиги бўйича таянч докторанти (Сурхондарё вилояти)

Сувонова Шамсикамар Искандаровна — Рўзи Чориев номидаги Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси

Турсунбоева Фотима Ботир қизи — Алишер Навойи номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера ижрочиси (Тошкент вилояти)

Ҳақназарова Умида Урал қизи — Тошкент давлат аграр университетининг ипақчилик мутахассислиги бўйича 2-босқич магистранти

Абдусатторова Зиёдахон Дилшоджон қизи — Фаргона вилояти яккақурас спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактабининг камондан отиш бўйича спортчиси

Йўлдашева Муҳайёжон Алишер қизи — Фаргона политехника институтининг қурилиш факультети 4-босқич талабаси

Шомуротова Зулфия Акмалжон қизи — Хоразм вилояти Хива шаҳридаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси

Сапаева Рисолат Рустам қизи — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг Урганч филиали хореография факультети 2-босқич талабаси

Тошева Маржана Рустам қизи — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий муסיқа санъати институтининг вокал ва чоғу ижрочилиги педагогларини тайёрлаш кафедраси ўқитувчиси

Трашкова Елизавета Дмитриевна — Ўзбекистон давлат хореография академиясининг хореография санъати факультети 1-босқич талабаси

Инсон қадрини учун

Хаста дарддан фориғ бўлишни, тўшаққа миҳланган бемор юришни, юрган одам эса, табиийки, меҳнат қилишни, орзуларини рўёбга чиқаришни хоҳлайди. Ангор туманидаги Қорабог маҳалласида яшовчи Ҳасан Қодиров эсини танибдики, кўп нарсани эмас, шунчаки юришни орзу қилади. Мактабга боришни, дўстлар билан суҳбатлашишни, кутубхонада китоблар мутулаа қилишни истарди.

Одам боласи борки, кўниқувчан. Тақдирига кўнди, аммо ҳаракатдан, изланишдан, ўз билими ва салоҳиятини оширишдан тўхтамади.

Яқинда икки-уч чоғли одам маҳалла оралаб, Хосият Бўнаеванинг хонадонини излаётганини айтиди. Манзилни кўрсатишгач, эшикни тақиллатишди. Ҳасан дарвоза эшиги тақиллаётганини эшитди. “Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар йўқлаб келишгадир”. Қани энди бориб ўзи эшикни очолса. Уйда ҳозир ҳеч ким йўқ, ўзи тўшаққа миҳланган. “Қираверинг!”, деди овозини баландлатишга уриниб.

Ҳовлига бир неча киши кириб келиб, ўзларини Ангор туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари деб таништирдилар. Туманда ҳар бир хонадон хатловдан ўтказилганини, бунинг натижаси ўлароқ, Ҳасан сингари имконияти чекланган фуқароларга яқиндан кўмак берилаётганини билдирди ҳамда ҳовлига электрон аравача олиб киришди. Ҳасанни унга ўтказишди, қандай ҳаракатланишни ўргатишди. Тегилли ҳужжатга имзо қўйдириб, сўнг йўллари рава билишди.

Табиийки, Ҳасан Қодиров жуда мамнун бўлди. Туман марказидан қайтаётган она-сига бу воқеани айтиб, хурсанд қилишга шошинди. Ҳажон билан кута бошлади.

Нихоят эшик кетма-кет тортилди, сўнг тақиллаи бошлади.

— Ҳасанжон! Эшикни ким ёпиб қўйди, очик қолдирганим-ку? — Хосият опанинг кўнгли ғашлана бошлади, хавотири ордди. — Ким бор? — Ҳозир, онажон, ҳозир, ўзим очаман! — Ҳасан аравасини физиллатганча эшик томон юрди.



6 йил кутдик. Мақсади бор эди. Мактабда ўқишни, яхши касб-хунар эгаллашни орзу қиларди. Мана энди бемалол кўчага чиқиб, тенгқурлари билан суҳбатлашиб келади. Мактабга ҳам бемалол боряпти, хатто қўшимча дарсларга, тўғарақларга қатнашди. Ангор туманидаги 26-мактабининг 11-синфиди таҳсил олаётган Ҳасан синфиди энг тиришқоқ ўқувчилардан.

— У кўп китоб ўқийди. Авваллари — яқка тартибда таҳсил олаётган пайтларида ҳам интилувчан эди, — дейди синф раҳбари Дилбар Файзиёева. — Бўш вақтларида туман марказидаги “Ишга марҳамат” монмарказига боради. “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари ҳам унинг хунар ўрганишига имкон яратиб бермоқда. Электротехникаларни таъмирлашни ўргантипти. Шу касбни эгаллаб, яхши мутахассис бўлишни орзу қилади.

Орамизда шундай инсонлар борки, тақдир уларга катта синов берган бўлса-да, имконсизлигини била туриб, имкон қидиради. Умид ғунчаларининг гуллашину кутади. Орзулари ушалишига ишончи бор. Мақсадни аниқ кўйиб, ҳаракат қилади. Имконияти чеклангани интилиши ва иқтидорини намоён этишига асло тўсқинлик қилолмайди.

“Инсон қандай қийинчиликларга дуч келмасин, фақат олға интилсагина мақсадларига эриша олади”. Бу — Кумқўрғон тумани Богоро маҳалласида яшовчи Зафар Хўжамқуловнинг ҳаётдаги шиори.

Унинг ҳам имконияти чекланган, мустақил ҳаракатлана олмайди. Уч фарзанднинг отаси. Вақтида бу каби имкониятлар бўлмаган эди. Кейинги йилларда давлат томонидан берилган эътибор уни руҳландирди, олға интилишга ундади. У аини пайтда

ОРЗУНИНГ ЧЕГАРАСИ ЭЗГУЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТДАН ҚАД РОСТАБ



Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан, жойларда аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Шунга асосан, эндиликда оғир ҳаётини аҳволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилаётган.

Кумқўрғон туманидаги агросаноат техникумининг 1-босқич талабаси. Техникунг уч қақирим узоқликда жойлашган. Уч оёқли велосипедда техникумга чақчириб келиш учун уч соатлар вақт кетарди. Бу, айниқса, қишининг қаҳратони ва саратонда янада қийинчилик туғдиради. Кумқўрғон тумани “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази томонидан Зафар Хўжамқуловга ҳам электрон аравача берилди. — Тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ходимлари менга ўз мутахассислигим бўйича иш топиб беришни ҳам айтди. Қувондим, очиги, давлат берган нафақага қараб ўтирашим керак эмас.

Оиламининг яхши яшаши учун ҳаракатда бўлиш кераклигини англадим. Келажакда фарзандларимнинг фахр билан ветеринария бўйича тумандаги зўр мутахассис боласиман, дейишларини орзу қиламан ва бунинг учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан, — дейди у.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан Ҳасан Қодиров ва Зафар Хўжамқулов сингари яна 63 нафар имконияти чекланган фуқарога электрон аравачалар топширилди.

Президентимизнинг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чоратадбирлар тўғрисида”ги фармони асосан, жойларда аҳолини манзилли ҳимоя қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинган. Шунга асосан, эндиликда оғир ҳаётини аҳволга тушиб қолган аҳолига индивидуал ёндашувга мувофиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилаётган. Марказлар ҳар бир хонадон аҳолини яқиндан ўрганиб, оилалардаги ҳақиқий ҳолатни ҳамда уларнинг ижтимоий хизматлар ва ёрдамга эҳтиёжини аниқлаш, оилаларнинг ижтимоий паспортини шакллантириш ишларини амалга оширмоқда.

Таҷриба тариқасида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари Сурхондарё вилоятида дастлаб Узун туманида 2023 йил

октябрь ойида, кейинчалик Термиз шаҳри ва Ангор туманида иш бошлади.

Узун туманидаги 59 та МФЙда 20 нафар, Термиз шаҳридаги 37 та МФЙда 18 нафар ижтимоий ходим фаолияти йўлга қўйилган. Ангор туманида эса 36 маҳаллага марказ томонидан 15 ходим хизмат кўрсатиб келмоқда.

— “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ҳамда маҳаллалардаги ижтимоий ходимлар томонидан бугунги кунда 49 турдаги ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатилади. Энди ҳудудимиздаги ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз яшовчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун 1 нафар ижтимоий ассистент бриктирилган, — дейди Ангор туманидаги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази раҳбари Илҳом Мустарамов.

Жорий йилнинг 20 февраль куни давлатимиз раҳбари раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор ўтказилди. Унда Президентимиз одамларга умид бериш, ҳаётини яхшилаш, банд бўлишга кўмаклашиш энг охириги ўринга тушиб қолгани, эндиликда маҳаллалардаги “еттилик” учун ижтимоий хизматлар бўйича ягона саволномалар жорий қилиниши, маҳалладаги барча ижтимоий қилишларни босқичма-босқич ижтимоий хизмат кўрсатиш шартномаси орқали тақдим этиш йўлга қўйилиши билдирди. Видеоселектор йиғилишида, шунингдек, айрим вазирилик, идоралар ва вилоят ҳокимликларидида ногиронлиги бўлган бирорта одам ишга олинмагани танқид қилиниб, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама қилинди. Ногиронлиги бўлган шахсларни ўқитиш, ишга жойлаштириш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим яратилиши айтилди. Шунингдек, ногиронлиги бор сарбадорлар учун ҳафталик ва ойлик махсус чегирма берилиши графиги тасдиқланиши, уларга қулай инфратузилма яратиш бўйича “тўсиқсиз туризм” дастури тасдиқланиши қайд этилди.

Энди ангорлик Ҳасан Қодиров ва кумқўрғонлик Зафар Хўжамқулов сингари ўнлаб, юзлаб юртдошларимизнинг тақдирини, ҳаётини яхшилашга юмалаштириш бўйича янада кучайди. Бунинг натижаси ўлароқ, одамларда шуқроналик ҳисси уйғонади. Шуқроналик бор элнинг эса бугунги нурашон, эртанги кунга янада обод ва ёруғ бўлажак.

Самариддин ЙЎЛДОШОВ,
ЎзЖОКУ талабаси

Сарвар ТўРАЕВ,
“Яни Ўзбекистон” муҳбири

Хоразмлик ва қорақалпоқликлар узоқ йиллар кутган бундай раван лойиҳа асрлар оша хизмат қилиш баробарида халқимизнинг савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги, қўйингки, барча соҳалардаги ҳаётида юқори самара беради.

Тараққиёт йўли



Кўнғиротбой ШАРИПОВ, олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз жорий йил 29 февраль кунин Хоразм вилоятига ташрифини Амурдер туманидаги янги кўприкнинг очилиш маросимида иштирок этишдан бошлади.

Хоразмлик ва қорақалпоқликлар узоқ йиллар кутган бундай раван лойиҳа асрлар оша хизмат қилиш баробарида халқимизнинг савдо-сотик, қишлоқ хўжалиги, қўйингки, барча соҳалардаги ҳаётида юқори самара беради. Жумладан, ҳозиргача ижтимоий алоқалари яқин, чамбарчас боғлиқ Хоразм — Қорақалпоғистон ўртасидаги масофа кўприк қурилгани айрилиб ўтиши ҳисобиغا 240 километрга, оралик вақт эса 6 соатга тенг эди. Энди кўприк фойдаланишига топширилиши ҳисобида йўловчи ва тадбиркорларнинг борар манзили масофаси, вақти анча тежалди. Маҳаллий юк ташин ҳажми йилга 12 миллион тоннадан 25 миллион тоннага ошиши kutilмоқда. Табиийки, темир йўл ўтган ҳудудлар доимо ривожланган. Шу нуқтага назардан, энди вилоятга киритилаётган инвестиция, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми сезиларли ортади, халқроқ транспортлар учун қулай шартоит яратилгани бунга замин бўлади.

Янги кўприк кўп йиллик муаммоларга ечим бўлиб, бундан оилавий бизнес, тадбиркорлар катта манфаат топади. Чунки мазкур темир йўл туғайли юк ташин харажатлари 1 та вагон учун 600 минг сўм арзонлашади. Айниқса, бу йўл табиий хомашё захиралари кам бўлган Хоразмдаги ишбилармонлар учун қулай, sanoat ва хизматлар учун самарали платформа ўлароқ янги имкониятлар яратди.

Давлатимиз раҳбари темир йўлнинг очилиш маросимида Оролбўйи минтақаси, хусусан, Қорақалпоғистонни ривожлантириш, аввало, экологик инқироз оқибатларини юмшатиб, мураккаб вазиетда яшаётган аҳолига қулай шартоит яратиш мамлакатимиз тараққиёти стратегиясининг бош мақсадларидан эканини алоҳида таъкидлади.

Одамларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилган ушбу кўприкнинг иқтисодий жиҳатлари билан бирга, ижтимоий аҳамияти ҳам каттадир. Негаки, кўприк қурилган жой юртимизнинг энг чекка ҳудудларидан бири, шу пайтгача одамлар ўтган асрда ишга туширилган эски понтон кўприкдан қатнаган. Юк қўтариш қуввати 10 тонна бўлган эски кўприкдан йилга 600 минг тоннага яқин юк олиб ўтилган, 3 миллиондан ортиқ аҳоли қатнаган, 1 миллионга яқин аўтотранспорт воситаси фойдаланган. Омонатгина бўлиб турган понтон кўприк қиш фаслида катта қийинчиликлар туғдиргани бор гап, айниқса, дарёда сув кўпайган маҳали икки соҳилдаги аҳолига нафакат қийинчилик, балки сузда чўкиш эҳтимоли билан боғлиқ хавф солиб келган.

Энди янги ва замонавий кўприк ҳисобиغا, аввало, бундай хавф бартараф этилди, юртдошларимиз ва транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартоит яратилди. Натияжада кўприк орқали юк ташин ҳажми йилга 25 миллион тоннага, бундай хавф бартараф этилди, юртдошларимиз ва транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартоит яратилди. Натияжада кўприк орқали юк ташин ҳажми йилга 25 миллион тоннага, бундай хавф бартараф этилди, юртдошларимиз ва транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартоит яратилди.

Энди янги ва замонавий кўприк ҳисобиغا, аввало, бундай хавф бартараф этилди, юртдошларимиз ва транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартоит яратилди. Натияжада кўприк орқали юк ташин ҳажми йилга 25 миллион тоннага, бундай хавф бартараф этилди, юртдошларимиз ва транспорт воситаларининг эркин ва хавфсиз ҳаракатланиши учун қулай шартоит яратилди.



ИШОНЧ, ДЎСТЛИК ВА ФАРОВОНЛИК РАМЗИ

дузда 12 минг автомобиль ҳаракатланиши таъминланади. Натияжада 48 минг йўловчининг 2 соат вақти тежалди ва, асосийси, дарёдан хавфсиз ўтиши кафолатланади. Кўприк битказилиши баробарида Шовот-Қораўзак бекатлари оралиғида 3 та вокзал қуриб фойдаланишига топширилгани ҳам одамларимиз учун кониқойишадир. Хусусан, янги темир йўл орқали Қозоғистон ва Россияга янги йўналишлар йўлга қўйилиши, унинг натижасида яна 50 минг янги иш ўрни яратилиши прогноз қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари бунёд этилган мухташам иншоот ўзбек ва қорақалпоқ халқлари ўртасидаги муштаҳкам ишонч ва дўстлик, оғзибирчилик ва ҳамкорлик кўприғи эканига алоҳида эътибор қаратади.

Илғари Қораўзак конларидан тош автомобиль йўллари орқали ташилган, бу, ўз наватидида, йўллар сифати бузилишига сабаб бўлган. Энди хомашё поездада ташилиши ҳисобиغا Оролбўйи минтақасидаги 4 миллион аҳоли ва сайёҳларга хизмат кўрсатувчи автомобиль йўллари сифатли сақланади, бошқача айтганда, хавфсиз ҳаракатланишимизга қулайлик туғдиради.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон ва Хоразм жаҳон нигоҳидаги туристик ҳудудга айлиниб бормоқда. Туризм оқими қанча тезлаша, аҳолининг даромад манбаи шунча кўпаяди, масумийи ва даромади иш ўринлари яратилади. Шу мақсадда бу йил Бухоро — Урганч — Хива, 2025 йилдан Минск — Нукус темир йўли электрлаштирилади. Назарда Хива ҳамда Нукус шаҳарларига тезюрар поездлар қатнови йўлга қўйилади. Ушбу ҳудудларда аҳолининг юртимизнинг бошқа шаҳарларига бориб-қелиши, ички туризм осонлашади. Бу лойиҳалар ҳисобидан транспорт харажатлари 2 баробар қисқариб, йўловчи ташин ҳажми 30 фоиз ошади.

Хар икки ҳудуднинг савдо-сотигини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган 400 миллион долларлик учун лойиҳа инвестициялар ва янги иш ўринлари қўлайиши, аҳоли даромадлари ўсишига асос бўлади.

Тадбиркорлари кўп юрт бой ва қудратли бўлади

Давлатимиз раҳбари ташриф давомида Хоразм вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий, қишлоқ хўжалиги ва табиий ресурслар соҳасида ҳали ишга солинмаган захиралардан самарали фойдаланиш бўйича устувор вазифарларни белгилаб берди.

Жумладан, Хоразмда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга 100 миллион доллар имтиёзли сармоя ажратилиши ҳисобида 5,5 минг тадбиркорга кўмак берилади, 50 мингта доимий иш ўрни яратилади.

Вилоятда қўймати 10 миллиард долларликдан зиёд йирик газ-кимё мажмуасини барпо этиш бўйича дунёнинг энг илгор компаниялари билан музокара олиб борилаётгани ҳам ҳудуд иқтисодиётига муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ушбу лойиҳа ишга тушса, 3 мингта иш ўрни яратилади. Бу шунча оилага муқим ва умумий даромад, фаровонлик киради, дегани. Бошқа томондан, йилга 2,5 миллион тонна юқори қўйилган қийматли полимерлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилиши эса sanoat, умуман, вилоят иқтисодиёти барқарорлиғига катта аҳамиятга эга.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида бу йил 5 мингта хонадонда интенсив усулда балик боқиш, 4400 та хонадонга тикувчилик, парранда, чорва, асалари ва бодгорчилик бўйича моливий кўмак берилиб, шу орқали қўллаб ишизлар камбағаллик сафидан чиқарилади.

Шунга ҳамроҳанг равишда мазкур тўқимачилик кластери ўтган йили қарий 20 минг тонна пахта хомашёсини маҳаллий аҳоли ҳамкорлигида етиштирган. Пахта вегетация даврида 1545 гектарда томчилаб сугорили йўлга қўйилгани ҳам таъкидлик муаммосини енгити, ҳам юқори ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.



Жорий йилдан Хоразмда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида импорт хомашё материаллари учун 5 йилгача божхона тўлови қўланилмайди, қўйилган қиймат солигини 180 кун кечиктириб тўлашга руҳсат берилади. Маҳаллийлаштириш лойиҳалари учун олинган кредит фонзининг 10 фоизи қўллаб берилади, давлат мулки ва ер участкаларини хусусийлаштиришда 5 йил ичида бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти тақдим этилади. Ташриф давомида кўчмас мулк, экспорт ва бошқа тадбиркорлик фаолияти учун қа

Давлатимиз раҳбари маҳалларда ишиз аҳоли билан ишлаш, ижтимоий химояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, касб-хунарга ўқитиш бўйича қилинаётган ишлар танишиш мақсадида Хива туманидаги Истиклол маҳалласида бўлди.

тор имтиёзлар берилиб, эркин иқтисодий зоналарга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Хазорасида хитойлик инвесторлар билан лак-бўёқ, шиша маҳсулотли ва электро-техника йўналишида 300 миллион долларлик 4 та лойиҳа жойлаштирилиши режалаштирилди.

Шу билан бирга, Урганч шаҳридаги Ал-Хоразмий мажмуасида sanoat бинолари қурилиб, тадбиркорларга тайёр ҳолда топширилиши, махсус тиббиёт индустриал паркига эса 12 та лойиҳа жойлаштирилиши қайд этилди.

Вилоятда Хитой тажрибаси асосида уй sanoati, яъни ипакчилик ва гиламчилик кооперациялари ташкил қилинади, тармоқда камиди 10 мингта оила касб-хунарга ўқитилади. Уларга 100 миллион сўмгача гаровсиз кредит берилади. Бу савоби ва хайрли иш, чунки бунинг ортидан минглаб хонадонга файз-баракат, хотиржамлик киради, одамлар бугунги яшаётган ҳаётдан рози бўлишига эришилади.

Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида бу йил 5 мингта хонадонда интенсив усулда балик боқиш, 4400 та хонадонга тикувчилик, парранда, чорва, асалари ва бодгорчилик бўйича моливий кўмак берилиб, шу орқали қўллаб ишизлар камбағаллик сафидан чиқарилади.

Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми сезиларли ошмоқда

Меҳнатқаш, янгиликка интилувчи хоразмликлар сайёҳатқа эзвигани 2023 йилда вилоятда ЯХМ ҳажми 4,4 фоиз ўсди ва савдо айланмаси 36 916,5 миллиард сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиши қишлоқ,

ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104 фоиз, sanoatда 106,1 фоиз, қурилышда 106,6 фоиз ва хизматлар соҳасида 103,5 фоиз бўлди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 2,5 фоиз ўсди ва 18 674,9 минг сўмни ҳосил қилди.

Вилоят бўйича жами доимий аҳоли сони 1 миллион 965,2 минг кишини ташкил этади, бошқача айтганда, аҳоли сонига муносиб равишда уларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ўсиб борапти. Уларни қоплашга бугундан ҳаракат қилинмас, эртага қийин бўлади.

Хоразмда ер деградацияси кучли, ичимлик сув танқис ва ижтимоий химояга муҳтож аҳоли анча кўп. Шу боис, вилоятни sanoatлаштириш, хомашёдан қўйимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини яратиш куннинг долзарб мавзусидир. Ҳудудда бунга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Давлатимиз раҳбари бевоситатан фаолияти билан танишган “Хива кластер” маъсулияти чекланган жамиятининг тўқимачилик корхонаси ана шундай тадбиркорлик субъектларидан бири.

Корхона Туркия, Германия ва Хитойнинг илгор технологиялари билан жиҳозланган, 500 кишининг бандлиғи таъминланган. Йилга 7 минг тонна ип-кавала, 4 минг тонна трикотаж мато, 10 миллион дона тикув-трикотаж маҳсулотли ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотни тўлиқ экспортга йўналтирилади. Йиллик экспорт айланмаси 15 миллион доллар.

Давлатимиз раҳбари корхонада энергия тежамкор технологиялар жорий этилганига алоҳида қизиқди. Масалан, куз-қиш ойларида хоналар ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқ сув ёрдамида иситилиши, натижада катта миқдорда табиий газ тежалди бугунги куннинг энергия танқислиғи билан боғлиқ долзарб масаласига яхши ечимдир, ҳудудларда омаллаштиришга арзийди. Мажмуа томилига умумий қуввати 60 киловатлик кўёш панеллари ўрнатилиши ҳисобига маҳсулот таннархи рақобатчиликка нисбатан паст ва бозори чаққон. Кластер томонидан чиқиндиларни қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилгани, бу хоразмлик тадбиркорлар фаолиятига инновациялар кенг жорий қилинаётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда қўйимча қиймат яратишга устувор аҳамият қаратилиб, “хомашёдан — тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида драйвер соҳаларда кластер тизими ривожланмоқда. Иқтисодиётда юқори ўсиш суриятларига эришиш учун, аввало, макрориктисодий барқарорлиқни таъминлаб, инфляция даражасини белгилашдан 5 фоизгача пастлаштириш чоралари қўйилмоқда.

Шунга ҳамроҳанг равишда мазкур тўқимачилик кластери ўтган йили қарий 20 минг тонна пахта хомашёсини маҳаллий аҳоли ҳамкорлигида етиштирган. Пахта вегетация даврида 1545 гектарда томчилаб сугорили йўлга қўйилгани ҳам таъкидлик муаммосини енгити, ҳам юқори ва сифатли ҳосил олишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юртимизда янги иш ўринлари яратган тадбиркор ва ишбилармонлар доимо қўллаб-қувватлаб келинади. Ташрифда вилоятда иш ўринлари яратган фермер ва кластерларга “Иш қўролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур” нақлида мингта техникани лизинг

асосида етказиб беришни мутасаддилар зиммасига юкледи.

Ривожланган давлатлар тажрибасида ҳар бир ҳудудда экспорт учун мўлжаллаб етиштирилган маҳсулотларни сақлаш имборлари муҳим аҳамиятга эга. Экспортга иқтисодий бораётган Хоразм туманларида 40 тадан кичик совитчилик омбор ташкил қилиниши, 10 та кичик агрологистика маркази қурилиши тақлиф қилинди.

Глобаллашув шароитида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Бу соҳада ҳам вилоят илдамламоқда, таширф доирасида 200 минг бош паррандага мўлжалланган 5 та sanoatлашган йирик паррандачилик корхонаси ишга туширилиши маълум қилинди.

Вилоятда йирик каналларни бетонлашга қўйимча 145 миллиард сўм ажратилган. Ички сугорилиш тармоқларини бетонлашнинг вегетация давригача яқунлаш зарурлиғи қайд этилди.

Инвестицион жозибадорлик ва туризм

Инвестицияларнинг ижтимоий аҳамияти давлат олдида тобора долзарб бўлиб борапти. Негаки, муайян инвестиция лойиҳасига киритилган ҳар бир маблағ охири-оқибат жамиятга ижтимоий фойда келтиради. Ўз навбатида, коррупция даражаси пастлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш сифати ошиши ва ички маҳсулот арзонлашиши, таъкид бозорда ўз брендига эга бўлиш, камбағалликни қисқартириши самарали бошқаришга олиб келади.

Вилоятда режалаштирилаётган инвестиция лойиҳалари тақдирини худудда чет элик инвесторлар билан ҳамкорликда машинасозлик, шаҳарсозлик, кимё, тўқимачилик, қурилиш материаллари, тиббиёт, озиқ-овқат каби муҳим тармоқларда умумий қиймати 1,5 миллиард долларлик ўйнаб лойиҳалар ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Тақдиримда умумий қиймати 660 миллион доллардан зиёд 18 та лойиҳа ҳаётга жадал жорий этилиши зарурлиғи айтилди. Хусусан, юк электрообиллари, аккумуляторлар учун никель сульфат, архитектура ойналари, шиша идишлар, қурилиш материаллари, лак-бўёқ ва мато ишлаб чиқариш каби лойиҳалар худуд иқтисодиёти ривожига катта ҳисса қўшиб, минглаб иш ўринлари яратиши билан аҳамиятли.

Инсоният маданият меросининг ажралмас қисми — Хоразм диёри жаҳонда сайёҳлар оқимини сезиларли жалб қилиб бораётган ҳудудлардан. Ташриф давомида меҳмонхона, шифохона, кўнгилоҳар масканлар ва йўллар қуриш, экотуризм ва балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни самарали ишлашга касб-хунар ўргатувчи таълим муассасаларининг ўрни алоҳида эътибор қаратилади.

Хусусан, олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашда компетенцияга асосланган ёндашув зарурлиғи уқтирилди. Бўлажак мутахассисларнинг компетенцияларини яратишда биттирувчилик ишлаши мумкин бўлган, жумладан, туризм мутахассисларга қўйиладиган талаблар инновация олиниши зарурлиғи таъкидланди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири тизимидаги касб-хунар мактаблари ва техникумлар туризм касб ва мутахассислиги, хорижий тил ўргатилишини сифат жиҳатидан қўриб чиқиш белгилаб берилади.

Сайёҳларга бериш йил давомида Хоразмга келювсиз кириш учун “Ўзбекистон — меннинг иккинчи уйим” виза тизими жорий қилинади. Урганч шаҳрида “Лазги” ва “Авесто” музейи ташкил этилади. Меҳмонхона ва дам олиш масканлари қуриш, мавжуд ўринларни кўпайтириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Бу орқали Хоразмга хорижий сайёҳлар оқимини 1 миллионга, маҳаллий сайёҳларни 4 миллионга етказиб, 20 минг иш ўрни яратиш имконияти пайдо бўлади.

Янги Ўзбекистонда туризм индустрияси ва инфрамуассасалар рақамлаштирилмоқда, туристик хизмат соҳаси мамлакат миқёсида олий борилган хусусийлаштириш ва бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш жараёни талабларига мос ҳолда қайта ислоҳ қилиниши эришилади.

Давлатимиз раҳбари туризмин ривожлантириш бўйича 3 йиллик дастур қабул қилиниши, дастур доирасида туризм жағмарсининг тушуми шу даврда Хоразмнинг ўзида қўйилганини таъкидлади. Меҳмонхоналар қуриш учун 7 йилга 2 йил имтиёзли давр

билан 18 фоиз ставкада кредитлар берилиши кўзда тутилди.

Урганчдан Термиз, водий вилоятлари, Самарқанд, Бухоро ҳамда Санкт-Петербург, Мадрид, Франкфурт, Пекин ва Урумчиға авиақатновлар йўлга қўйилиши, умуман, туризм ривожига бўйича белгилаб берилган вазифарлар Хоразм ва Қорақалпоғистонда туризм иқтисодиётнинг драйверига айланишини кўрсатади.

Маҳалла ва олий таълим уйғунлиғи

Бугун маҳалла институтининг жамиятдаги ролини туздан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишланиши таъминлашга давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Хоразмда ҳам маҳалла институтининг мақоёи ошиб бормоқда. Ўз номига монанд маҳалла тузилмаси аҳоли бандлигини таъминлаш, ёшлар, айниқса, хотин-қизларни касб-хунарга жалб қилишда олий таълим ва бошқа ташкилотлар билан кўприк вазифарлини бажармоқда.

Бу сайёҳатқарлар бевосита “оила — маҳалла — мактаб — олий таълим” тамойили асосида иш билан банд бўлмаган ёшларни топиш, улар билан индивидуал ишлаш ва қўйилганига қараб касб-хунарга ўқитишга асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари маҳалларда ишиз аҳоли билан ишлаш, ижтимоий химояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлашни янада такомиллаштириш, касб-хунарга ўқитиш бўйича қилинаётган ишлар билан танишиш мақсадида Хива туманидаги Истиклол маҳалласида бўлди.

Маҳалла фаолилари билан учрашувда ишизларга деҳқончилик учун ер бериш тажрибасининг Хоразм учун аҳамияти катталиғи айтилди.

Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилдактика инспектори, солиқчи ва ижтимоий хизмат ходимидан иборат “маҳалла еттилик” вазифарли ишизликни қамайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш орқали янги иш ўринлари яратишидир.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш масалаларида ҳам алоҳида эътибор қаратилади, Хоразмда автобусиқозлик, туризм, қишлоқ хўжалиги ва балиқчиликда малакали кадрларга талаб ўсиб бораётгани қайд этилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Урганч шаҳридаги 2-касб-хунар мактабиди “Пирсон” дастурини жорий қилиб, ўқувчиларга “меҳмонхона иши” ва “туризм” йўналишида халқроқ малака беришни йўлга қўйиши топширилди.

Давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида 2023-2024 ўқув йилидан фаолият бошлаган Жалоловдин Манғуберди номидаги ҳарбий-академик лицейни қўздан кечирди. Аниқ фанлар йўналишида икки йил таълим олинадиган 300 ўринли замонавий бинода ёшларнинг жаҳон стандартлари асосида таълим олиши учун барча шартлоитлар яратилган.

Жумладан, ўқув хоналари энг сўнгги русумдаги мултимедиа ва коммуникация воситалари билан жиҳозланган, ахборот-ресурс марказида 7 миңдан ортиқ ўқув ва бадий китоб, 11 миңдан ортиқ электрон адабиёт мавжуд.

Лицейда ўқувчилар дарсдан ташқари ўндин ортиқ фан, ахборот технологиялари, иккинжий тўғараклар ҳамда спорт билан шуғуллиниши мумкин. Улар барча моддий-техник базадан фойдаланиш билан бирга, бениқ кийим-кечак, тўрт маҳал иссиқ оқват билан таъминланади.

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб вазифарларидан саналади. Давлатимиз раҳбари шу нуқтага назардан муассасаларга таълим жараёни билан танишиш асосида ўқувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Президентимизнинг Хоразмга ташрифи давомида билдирган фикр-мулоҳазалари вилоят олий таълим соҳасида сўнгги 5 йилликда қўйилган инвестициялар натижаси, кадрлар тайёрлашга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда квоталарни қайта қўриб чиқишни тақозо қилади. Техникумларни касб-хунарга янада ихтисослаштириш, назария ва амалиётни уйғунлаштириш ҳолда жорий этиш керак бўлади.

Зеро, олий таълим соҳаси инвесторлар ва йирик тадбиркорлар, кластерлар, хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўша дастурлар асосида кадрлар тайёрлашни амалга оширади. Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб, квоталарни ҳамкорлар билан келишилган ҳолда белгилайди. Муайян соҳада ва худуддаги мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғуллиниши, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ишларини олиб бориш орқали барқарор иқтисодиётга эришиш учун истиқболни кўзлайди.

Долзарб мавзу

ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР КЕЛАЖАК ТРАНСПОРТИ



Дилшод УЛУМҲУРОДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш субъектларини экологик жиҳатдан текшириш фаоллашди.

Замонавий автомобиль нима учун керак?

Ана энди электромобиллар оммалашини хусусидаги мулоқозларга келдик.

Мамлукумларга кўра, ҳозир жаҳон автомобил бозорига электр транспорт воситалари умумий сотувнинг 2,7 фоизини ташкил қилмоқда.

2023 йилда дунёда 9,5 миллионга электромобиль, 4,1 миллионга гибрид автомобил ишлаб чиқарилган.

Халқаро энергетика агентлиги ҳисоботига кўра, умумий ҳисобда сўнгги 3 йилда электромобиллар савдоси 5 баробар ошган.

Ушбу турдаги машиналарни ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши айрим турдаги фойдали қазилмаларга, хусусан, литий, никель, кобальт, графит ва камбё металлларга талабни оширди.

Электр ҳаракатланувчи транспорт воситалари биз учун янгилик эмас. Бугун улар кўчаларимизда анча кўпайган.

Электромобиллар атроф-муҳит учун яхшироқ экани, ҳавони ифлослантмаслиги аллақачон исботланган ва бу энг асосий жиҳат.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, агар электромобиллар қайта тикланувчи энергия манбаларидан қувватланадиган бўлса, 100 фоиз экологик хавфсиз ҳисобланади.

Бир йил давомида фойдаланилган битта электромобиль атмосфера ҳавоси ўртача 1500 килограмм карбонат ангидрид билан ифлосланганининг олдини олади.

Бир йил давомида фойдаланилган битта электромобиль атмосфера ҳавоси ўртача 1500 килограмм карбонат ангидрид билан ифлосланганининг олдини олади.

93 килограмм углеводород, 500 килограмм углеводород оксиди, 30 килограммга яқин азот оксиди чиқаради.

Мазкур тармоқ ривожини рағбатлантириш мақсадида Франция, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Нидерландия,

Испания, Греция, Норвегия каби давлатлар 2040 йилгача автомобиль транспортдан атмосферага ташланган газлар эмиссиясини нолга туширишни расман эълон қилган.

Яна бир қизиқ таҳлил. Ўзбекистонда электромобиллар оммалашини таъсир қилувчи муҳим омил аънавий ёнилғига нисбатан электр энергиясининг нархи ҳисобланади.

100 километр ҳаракат давомида электромобиль 23 кВт/соат энергияси, аънавий автомобиль эса ўртача 7,5-8,5 литр ёнилғи



қилаверинг. Чунки бензин нархи пайсаишини тасаввур қилиш мушкул.

Электромобиллар оммалашувига тўсиқ нарх билан боғлиқ. Дунё бозорига уларнинг ўртача нархи одатий машиналарга нисбатан сезиларли даражада қimmat.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, агар электромобиллар қайта тикланувчи энергия манбаларидан қувватланадиган бўлса, 100 фоиз экологик хавфсиз ҳисобланади.

эмас. Тўғри, харидор қақариш учун турли акциялар, бўлиб тўлаш шартлари эълон қилаётган автосалонлар ҳам йўқ эмас.

Шу билан бирга, электромобилларни қувватлантириш станцияларини кўпайтириш ҳам муҳим масалалардан.

Амалий ишга киришиш вақти аллақачон келган

Муаммо аниқ. Ечим айбни кимгадир ақдаршиш ёки баҳона қидириб эмас, балки ҳамжихатликда, ҳамкорликда ҳаракат қилиш орқали топилиши керак.

ва бензин қуйиш шохбчаларида навбатлар қисқаради.

"Эшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастурида ушбу масалага жиҳдий эътибор берилган.

Мамлакатимизда чанг бўронларига қарши курашиш ва салбий оқибатларини юмшатиш доирасида 2024 йил 1 мартдан бошлаб худудларда чанг бўрони содир бўлаётганда ва атмосфера ҳавосида майда дисперс заррачалар белгиланган нормадан юқори бўлгани аниқланганда аҳолини огоҳлантириш амалиёти йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида юк ташиш учун мўлжалланган, руҳсат этилган тўла вазни 10 тоннадан юқори бўлган автотransпорт воситаларининг ҳаракати тигиз вақт оралиқларида тақиқланди.

Президентимизнинг 2022 йил 19 декабрдаги "Электромобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ҳам электромобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмининг қисқартиришга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилган.

Республикаимизда электромобиллар ва гибрид автомобилларни sanoat усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда

улардан фойдаланишни оммалаштириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилди.

Қарорда, шунингдек, республикаимизда ишлаб чиқарилган ва ички бозордан электромобиль ҳамда гибрид автомобилларни сотиб олиш учун жисмоний шахсларга миллий валютада ажратиладиган, базавий ҳисоблаш миқдори 1200 бараваридан ошмайдиган кредитлар берилиши, уларни sanoat усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйадиган барча инвесторлар ва тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўллаб-қувватловлар тенг таътиқ этилиши белгилаб қўйилди.

Жорий йилнинг январь ойида Президентимиз Хитойга давлат ташири доирасида дунё бозорига электромобиллар етказиб беришда етакчилик қилаётган BYD компанияси билан ҳамкорликда Жиззах вилоятида йилга 50 миң донна гибрид ва электр автомобиль йиғиш лойиҳасини ишга туширишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этиди.

Бугун электромобиллар ҳаётимизга жадал кириб келмоқда ва вазият тақозо этиётган зарурий эҳтиёжга айланмоқда.

Электромобиллар, электр энергиясида ҳаракатланадиган ҳар қандай транспорт воситаси келажак техникасидир. Бугунги саъй-ҳаракатлар эса келгуси тоза экология ва тоза ҳаво учун, барқарор энергия таъминоти учун қўйилаётган қадамлардир.

Бугуннинг гапи

БЕНЗИН НИМАГА МУАММО БЎЛМОҚДА?

Шу кунларда юртимизда бензин муаммоси юзага келган. Ҳаво совити туфайли билан автомобилларга газ қуйиш шохбчаларида киритилган чекловлар сабаб бензин қуйиш шохбчаларидаги навбатлар ортган.



АИ-80 бошқа маркали бензинга нисбатан чўнтакбоп. Шу боис, унга 2022 йилнинг 13 декабрда имтиёз жорий этилган.

Энергетика вазирлиги бир муддат олдин ўз вақтида бу имтиёз метан газ билан боғлиқ муаммони қисман ёлган бўлса-да, кейинчалик ундан кўпроқ хусусий шохоб-

чалар фойда кўрганни билдирди. Хусусан, бензин автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларига бозор тамойиллари асосида биржа савдолари орқали сотилиши ва нархи эркин шаклланиши туфайли хусусий шохобчаларда қиммат сотилган.

Бозорда тақиқлик кузатилмастлиги ва истеъмолда узилди бўлмастлиги учун чора-тадбирлар режалаштирилган.

дан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари якуний истеъмолчиларга сотадиган АИ-80 русумли автобензин учун акциз солиғи "ноль" ставкада қўлланилса, давлат бюджетига 1 триллион 257,8 миллиард сўм йўқотиши мумкин.

Бозорда тақиқлик кузатилмастлиги ва истеъмолда узилди бўлмастлиги учун чора-тадбирлар режалаштирилган.

— Куня кеча бензин импорти савдоси билан шугулланувчи хўжалик юритувчи

субъектлар вакиллари билан ташкил этилган очик мулоқотда шу масала муҳокама қилинди.



Импорт қилинган бензин барча стандартларга тўғри келиши ва сифати талабга жавоб бериши юзасидан хўжалиқ борлигига қарамай, юртимизга олиб кирилганда қўшимча мажбурий сертификатлашдан ўтказилади.

Бундан ташқари, импорт қилиш ниятида хоржий давлатларга пул ўтказиб берганда, ушбу маблағ геосиёсий вазиятлардан келиб чиқиб тақиқларга тушиб қолган вақтларда маҳсулот ўз вақтида етиб келмастлиги кузатишган.

Катта ҳажмда бензин олиб кирилганда уларни сақлаш учун сиегилар мавжуд эмас ёки борларнинг ижараси қimmat.

Баш прокуратура ҳузурдаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Бухоро вилоят бошқармаси ҳамда худудий бўлимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирларда 14 фуқаро ноқонуний даромад орттириш мақсадида яшаш хонадонидан бензинни чакана сотиш билан шугулланиб келётгани аниқланган.

Айни пайтда мазкур ҳолатлар юзасидан Маммурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари билан қонуний чоралар кўрилмоқда.

Муҳими, бу борада қилинаётган ишлар, кўриладиган чоралар ёнилғи таъминотидаги узиллиш ва етишмовчиликларни камайтиришга қаратилган.

Дилшод ЖҲУМАОЕВ, журналист

Уйғоқ фикр

ИРСИЯТ, МУҲИТ, ТАРБИЯ ИНСОНЙЛИКНИНГ УЧ МУҲИМ АСОСИ



Холбой ИБРАИМОВ,
Т.Н.Қори Нисий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори, академик

Давлатимиз раҳбари раислигида жорий йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида фарзандларимиз таълим-тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Мактаб ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш орқали уларда ҳуқуқбузарликка қарши иммунитет ҳосил қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйсак, Олтин бошинг калла бўлгани шудир. Бедел қолиб, Демьян Беднийни сўйсак, Қора сочининг малла бўлгани шудир, деб ёзган эди Эркин Вохидов.

Қаранг, тарбия ҳақида қандай чиройли ўғит. Миллий гуруҳ, Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат туйғулари болалар онгига ёшидан синдирилиши керак. Бугун ўғил-қизлар руҳиятини ташқи хавфлардан ҳимоя қилиш, уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда, албатта, ота-она, маҳалланинг ўрнини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдди. Афсуски, ёшлар орасида нотўғри йўлга кирганлар ҳам бор. Уларнинг оилавий шароитлари ўрганилиши шарт.

Қўпгина ота-она иш билан обора, болалар билан мулоқот юзаси, уларнинг руҳияти, маънавияти эътибордан четда қолаётганини ҳам инкор эта олмаймиз. Бу — бизнинг оғриқли нуқтамиз. Ота-она фарзанди қимил бўлишини истайдими, бунинг учун нима қилиш керак, деган саволга юзма-юз келганда эса боши қотари. Демак, ибрат йўқ, намуна йўқ, Болага эса ота-она, маҳалла-қўй

қонунан ҳимоя қилиш борасидаги ишлар хусусида ҳам тўхталасан. “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши биз, педагогларнинг шарафини улуглади, қалбимизда катта гуруҳ уйғотди. Қонунда педагогнинг касбий фаолияти, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, педагогик этика қоидалари, педагогларни ўқитиш ҳамда уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш каби нормалар белгиланди. Энди педагоглор гуруҳ-ифтихор билан баралла: “Мен — педагогман”, “Мен — эртанги кун пойдеворини қурадиган ёшлар мураббийсман”, деб айта олади.

Педагог — келажак бунёдкори. Ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш билан шуғулланувчи, шу соҳа бўйича махсус тайёргарликка эга бўлган масъулиятли касб эгаси ҳисобланади. Педагог келажак авлодни тарбиялайди, уни ҳар томонлама баркамол шахс қилиб вояга еткази.

Президентимизнинг ушбу қонунни имзолаши келажак авлодни тарбиялашда биз, педагоглор олдига жуда катта вазифалар



ибрат бўлади. Агар оилада ота китобхон бўлса, фарзанд ҳам китобга меҳр билан улуглади. Она илми бўлса, боланинг илмга муҳаббати ортади. Бундай руҳда тарбияланган бола таълимни яхши ўзлаштирилади. Шу элга кераклигини ҳис қилиди. Ватан раънақиға ўзини дахлдор, деб билади.

Шу ўринда, ёш авлодни тарбия қилишда энг муҳим касб эгалари бўлган педагоглорни

қўйиши, масъулиятимизни янада ошириши билан ҳам аҳамиятлидир. Шунинг учун таълимни демократлаштириш, инсонпарварлаштириш, ижтимоийлаштириш, таълим олувчиларнинг сифатли таълим хизматларидан фойдаланишига малакали педагог кадрларни тайёрлаш олдимизда турган асосий омил бўлмоғи лозим.

Нуқтаи назар



Мамлакатимизда ижтимоий давлат қурилиши стратегик мақсад сифатида белгиланган. Аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантириш бўйича барча чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бироқ бу соҳаларда аҳоли билан ишлаш, замонавий стандартларни жорий этиш, рақамлаштириш борасида камчиликлар мавжуд. Шу йилнинг 5 февралда ижтимоий соҳадаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна шу муаммолар таҳлил қилиниб, жорий йилдаги вазифалар белгилаб олindi.

ИЖТИМОЙ СОҲА РИВОҶИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ БИЛАН МУШТАРАК



Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
иқтисодий фанлари доктори, профессор

рини юқори поғонага кўтариш борасида қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Шунингдек, ийгилишда касбий ва олий таълимнинг айрим йўналишлари замонавий меҳнат бозори талабларига ва технологик тараққиёт тенденцияларига мос келмаслиги таъкидланди. Иш берувчиларда кадрларга катта эҳтиёж бор, талабаларда ишлаш учун иштиёқ бор, лекин уларни боғлайдиган тизим йўқ. Мана шу йўналишдаги ишлар изчиллигини таъминлаш учун шахар ва туманлардаги касб-хунар мактаблари ҳамда техникумларда институт билан ҳамкорликда дарслар ўтиш йўлга қўйилди.

Профессионал таълим муассасаларини методик ва илмий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти Термиз шаҳридаги касб-хунар мактаби, Шўрчи туманидаги 2-касб-хунар мактаби, Қумқўрғон туманидаги 1-касб-хунар мактаби, Бандихон сув ўҳжалиги ва мелиорация коллежи, Денов туманидаги Ҳазорбоғ агротехнологиялар техникуми, Қизириқ агротехнологиялар техникуми, Қумқўрғон агротехнологиялар техникумини оталиққа олган. Уларга илмий даража, малакали 30 педагог ҳамда 5 докторант бириктирилган. Шу тариқа мазкур профессионал таълим муассасаларига методик ва илмий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг “Профессионал таълим тизimini янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониға мувофиқ, техникумларни муваффақиятли тамомлаган йигит-қизлардан 44 нафари институтига сўхбат асосида 2-курсдан талабаликка қабул қилинди. Бу ҳам ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш, олий маълумотли бўлиши йўлидаги имкониятидир.

Бундан ташқари, йиғилишда маданият соҳасида илгари белгиланган вазифалар ижроси таҳлил қилинганди ҳар бир туманда кинозал, кутубхона ва клубларга эга маданият саройи барпо этиш, ҳудудларда маданий тадбирлар ўтказиш, ёшларни санъатга кенг жалб этиш зарурлиги қайд этилди. Маҳаллаларни оммавий спорт турларидан бирига ихтисослаштириш, вилоят ва республика мусобақаларини ташқил этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Бу йўналишда ҳам Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтида “Беш муҳим ташаббус”, “Талабалар лигаси”, “Заковат” беллашувлари ҳамда спортнинг ўнга яқин тури бўйича “Ректор кубоғи” мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташқиоти ташқил этган “Интеллектуал лойиҳалар” клубида талабаларни китобхонлик, топқирлик ва зукколикка чорловчи бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳафта давомида “Заковат”, “Брейн-ринг” беллашувлари, шахмат-шашка бўйича ички чемпионатлар ўтказилди. Шунингдек, ёшларни ватанпарварлик, юртва садоқат руҳида тарбиялаш учун тегишли ташқиотлар билан ҳамкорликда ҳар ҳафтада “Ошиқ эшиклар кунин”, “Ҳарбий қисмда бир кун” лойиҳалари мунтазам ташқил этилмоқда.

Бу сайёҳаракатлар мамлакат миқёсида бошланган кенг қамровли ишларнинг вилоят доирасида сифат ва самара жиҳатидан янги босқичга чиқишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Қолаверса, институт жамоаси замонавий ва сифатли таълим берилш, аграр соҳадаги инновацион лойиҳалар самарадорлигини ошириш жаъраёнда фаол қатнашди билан бирга ёш авлод келажакига дахлдорлик туйғуси билан меҳнат қилмоқда.

Соғлом турмуш тарзи

ЭНГ ЯХШИСИ — ДОРИСИЗ ДАВО

“Касаллигим ортга чекинди”

Аваллари анча чаққон, тенгдошларига нисбатан доим ёш кўринадиган Мухаббат опа негадир кейинги пайтда тез-тез толиқадиган бўлиб қолди. Олдин бундай бўлмагани учун хавотирлана бошлади. Балки ўтиб кетар деган ниятда шундоқкича кўча бошига бир-икки бориб келадиган бўлди. Аммо барибир тез чарчоқ, нафас олиши қийинлашиши ортга чекинмади. Айниқса, уй эшиги олдидан атиги тўрт поғона зинадан кўтарилиш ҳам мушкулдек туюларди.

Ўзинча шифокор кўригидан ўтишга истихола қилиб, икки-уч кун жимгина юрди. Аммо фарзандлари бунга сезиб қолғач, барибир қўйишмади. Бошқа жойга бормаса-да, маҳалладаги оилавий поликлиникага боришга кўндирди.

Шифокорлар тиббий кўриқдан ўтказишаркан, бу ҳолат қачондан бошланганини суриштиришди.

— Қарилмиким, билмадим. Кейинги пайтда бир оз юрсан нафас олишим оғирлашгандай бўлмоқда. Ёш ҳам олтимидан ошди, балки кескалик аломати шу бўлса керак, — дея кулиб жавоб берди Мухаббат опа.

— Олдинги кўриқлардан ўтган вақтингиз анча соғлом эдингиз. Лекин бугун бир оз ҳорингиз. Вазингиз ҳам ошди-да, — дея

доктор дафтарига нималарнидир қайд қилиб қўйди.

— Ҳа, энди рўзгорни келинларга топширгач, одам дангаса ҳам бўлиб қоларкан. Қўлни совуқ сувга урмай қўйганимизга ҳам анча бўлди-де. Демак, ҳаракат қилиб турган яхши экан-да, шундайми, дўхтир, — дея савол назари билан боқди.

— Албатта, саломатликнинг калити жисмоний фаолиқда. Энди, онахон, ростини айтганидан бўлса, сизда вази ортиши натижа-сида юрак қон-томир касалликлари пайдо бўлмоқда. Бунинг олдини олмасак бўлмайди, — дея жиддий қараш қилди шифокор.

— Унда керакли дориларни ёзиб беринг, муолажа олишим бошлаймиз.

— Нега бемор бўлган киши фақат дори-укол олади ҳини ҳини. Акинча, буларсиз ҳам одам шифо топиши мумкин. Одамнинг ўзида хоҳиш бўлса бўлгани, — деди доктор.

— Шундай йўли ҳам бор эканми, — дея ҳайратини яширолмади опа.

Шифокор кўрсатмасига кўра, дорисиз даво йўлини таллаган Мухаббат опа астойдил саломатлиги учун курашишга бел боғлади. Аммо бу осон бўлмаслиги аниқ эди. Шундай бўлса-да, ортга чекинмасликка аҳд қилди.

Эрта тондан туриб, шифокорлар айтганидек, олдин ҳовли айлиниб юрадиган бўлди. Кейинчалик кўчага чиқиб, пиёдалар йўлақисида сайр қилишни одат қилди. Қишлоқда кекса аёлнинг азонда юриши дастлаб кўпчилиқка галати

кўринди. Аммо Мухаббат опа кейинчалик бунинг ижобий томонини сезгач, қолган тенгдошларига, ёшларга ҳам тавсия қиладиган бўлди. Оқибатда саломатлик сари қадам ташловчилар унинг ортидан эргаша бошлади.

— Биринчи кунлари туман оз қийналгандим, — дейди Яккабоғ тумани Эсат кишлоғи Мухаббат Бобоназарова. — Шундай бўлса-да, ўзимни мажбурлаб юришга ҳаракат қилдим. Бир ҳафталар ўрганишим қийин кечди. Оёқларимда оғриқ пайдо бўлиб, юришимга ҳалақат берди. Аммо бу одатни тўхтатмадим. Орадан ўн кунлар ўтгач, ўзимни яхши ҳис қила бошладим. Энди ҳовли менга торлик қилиб, қишлоғимиз кўчаси бўйлаб юрадиган бўлдим. Гоҳида айрим кишилар бу ишимдан ранжиган бўлди. Ўзтибор қилмадим. Мана, орадан тўрт йил вақт ўтган бўлса-да, ҳамон бу машғулоти тўхтатганим йўқ. Акинча, бошқаларни ҳам қизқитириб қўйдим. Шифокор кўригига борганимда улар инсон ўзининг баъзи касалликларини дорисиз даволаши мумкинлигини айтганида ишонмагандим. Бунинг аямалиётда санаб, соғлигини тиклаб олдим. Ҳозир ҳеч қандай дард безовта қилмайди. Шу боис, қишлоқдошларимга ҳам, яқинларимга ҳам кўпроқ пиёда юришни тавсия қилиб келаман. Бундан ташқари, соғлом овқатланишга ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим. Соғлом турмуш кечирганига нима етсин?

Қариндош қудалар қисмати

Аканинг ўғли вояга етиб, мустақил ҳаётга қадам ташлаш вақти келди. Оиладагилар келин излашга киришди. Куёв бўлмишининг хабири йўқ, кимдир қўшни қизни, яна бирови бошқасини топиб, маъқуллашга тушди. Аммо оилада отанинг гапини ҳеч ким қайтарга олмади. Ота анчадан бери синглисининг қизини келин қилиш ниятида эди. Бундан синглисини ҳам хабардор қилиб қўйган. Тезда ўртга совчи қўйилиб, тўйга ҳозирлик бошланди.

Урф-одатларга кўра, тўй қилиниб, хонадонга келин олиб келинди. Ёшлар бахтли ҳаёт кечириб ботилади. Афсуски, бу бахтиёр келин ортидан қайтиги дамлар яқинлашаётганини ҳеч ким сезмасди. Ҳаммаси ёш оилада фарзанд дунёга келгандан сўнг бошланди. Тўнғич набиранинг туғилиши қудаларини ҳам мамнун этди.

Яхши ниятлар билан чақалокқа исм қўйинди. Қўнлар кетидан оилар ўта бошлади. Ачинлариси, тўдақнинг ривожланиши негадир анча суст. Бошқа гўдақлардан фарқи



ўлароқ, саломатлиқига нуқсонни бордек эди. Ёш она бунинг бир оз кеч англади. Шифокор кўригига олиб борилгач, бола тумга ногирон экани аниқланди.

Ёш ота-она фарзандини даволатиш истағида қанчалик елиб-юғурмасин барибир фойдаси бўлмади. Имконияти чекланган бола юзига термилиб, онанинг ҳам ранги сарғайди. Иккинчи бор она бўлишга эса юраги дош бермай қолди. Афсуски, катта орзулар билан дунёга келтирган иккинчи фарзанд ҳам соғлом эмасди. Бу сафар ҳам докторлар маслаҳатига борган ёш ота-она олдин айтилганидек, ака-синглининг фарзандлари турмуш қуриши оқибатда бу ҳолат бўлаётгани тасриқланди.

Бу орда турли гап-сўзлар кўпайди. Оилада келишмовчиликлар бошланди. Оқибатда ёш оила ўртасидаги низо қудалар ўртасида ҳам пайдо бўлиб, орзу-ҳаваслар билан фарзандларини бир-бирига боғлаган ака-сингли орасига совуқчилик тушди. Шу ҳолатдан сўнг тиббиёт ходимлари кўп бора қишлоқ одамлари орасида тушунтиришлар, тарғибот тадбирлари ўтказди. Натижада азалдан одат тусига кириб қолган қариндошлар ўртасида қудда бўлиш урфига барҳам берилди.

— Шу ҳудудга ишга келганимга йигирма беш йил бўлди, — дейди Яккабоғ туманидаги Эсат маҳалласида жойлашган 66-оилавий шифохона бош хамшираси Ибодат Муродова.

— Маҳалладаги биргина шу қишлоқда

илгаридан ёмон одат мавжуд эди. Қишлоқдаги оилалар жуда яқин қариндош бўлса-да, бир-бирни қиз узатиб, ўғил уйлантириб келган. Тўғма ногиронлик билан боғлиқ турли ҳолатлар битта эмас, кўплаб оилаларда кузатиладиган бўлса-да, ҳеч ким бунинг асл сабабини ўйлаб ҳам кўрмаган.

Кейинги йилларда фуқароларда тиббий маданият ҳам анча шаклланиб қолди. Бундан ташқари, патронаж хамширалар билан биргалиқда доимий равишда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ўртасида аниқ мисоллар асосида тушунтиришлар олиб борилиши самара бермоқда. Бугун Эсатда қариндошлар ўртасида қудда бўлиш ҳолатлари учрамай қолди. Бунинг натижасида фарзандлар соғлом туғилиб, оилалар барқарорлиги ошган.

Астойдил ишлаш лозим

Мангитой Ҳайдарова Эсат маҳалласидаги кичик тиббиёт пунктига ишга келганда ҳали ёшгина эди. У пайтлари шариёт ҳам ўзига яраша. Беморларга хизмат кўрсатиш учун имконият етарли эмасди. Битта ўзи хонадонма-хонадон юриб, одамлар дардига қулқ тутар, қўлдан келганча дардмандларни даволашга интиларди. Одамларни соғлом турмуш тарзига риоя қилишга чақиргани қанда қилмасди. Тиббиёт ходимлари етишмаслиги боис, бирор ёрдамчи хамшира ҳам йўқ эди. Шу

сабаб узоқ вақт бир ўзи ишлади. Кўп қийинчиликларга дуч келса-да, касбига содиқлиги боис, ишини ташлаб кетишга уринмади. Натижада қилган меҳнатлари инобатга олинди, 1997 йил 1-даражали “Соғлом авлод” ордени билан тақдирланди. Мангитой опа бугун ёши етмишга яқинлашаётган бўлса-да, ҳамон аҳолига хизмат кўрсатишдан чарчагани йўқ. Айни пайтда 66-оилавий поликлиниканинг тажрибали врачларидан бири.

— Шу маҳалладаги тиббиёт пунктига 1980 йил ишга келганман, — дейди М.Ҳайдарова. — Гоҳида ўтган иш даврини таҳлил қилиб кўрсан. Баъзи нафлар бўлдики, сен шифокоримсан, касбинг дим, деб сўраб ўтиришмоқди. Мавсум бошландими, пахтага, ҳашарга чиқиш керак. Мана, шукри, бугун барчаси ўз измига тушди. Бундай дориларда ҳамон мен бир четда томошабин бўлиб ўтирмаймиз. Шундай шароитлар бор экан, ишламай бўладими? Ахир бундай кунларни қанча кутдик.

— Яқинда Президентимизнинг “Қашқадарё вилоятида аҳоли саломатлигини муҳофизат қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш тизimini янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. — дейди Яккабоғ тумани Эсат маҳалласидаги 66-оилавий поликлиника бош шифокори Юсуф Раҳматов. — Қарорга асосан, вилоятимизда қатор ишлар амалга оширилиши белгиланди. Жумладан, янги шифохоналар қуриш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби вазифалар қўйилган.

Поликлиника бешта маҳаллага хизмат кўрсатади. Бугун жами 78 нафар тиббиёт ходими фаолият юритиб келмоқда. Ходимлар алоҳида бригадаларга бўлинган ҳолда доимий равишда аҳоли орасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. Ҳозир аҳоли тўрт гуруҳга бўлинган, биринчи гуруҳ — соғлом кишилар, иккинчиси — паст хавф гуруҳига кирувчилар, учинчиси — ўрта хавф гуруҳи, тўртинчиси — юқори хавф гуруҳлари. Соғлом овқатланиш, жисмоний фаолиқ, соғлом турмуш тарзига амал қилиш натижасида пастки гуруҳдагиларни биринчи гуруҳга қўйишга ҳаракат бошланган. Натижа эса ёмон эмас. Ҳозир иккинчидан бирга, учдан иккинча, тўртдан учга ўтаётганлар сифати ортиб бормоқда. Бунинг учун график асосида аҳолини қизқитириш каби вазифалар қўйилган. Гуруҳлари ўзгартириб боришмоқда.

Қашқадарё вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси мутасаддиларининг таъкидлашича, бугунги кунда Яккабоғ тумани Эсат маҳалласи аҳолиси ўртасида соғлом турмуш тарзи бошқа ҳудудларга ўрناк бўларли. Ҳудудда шифокорлар ташаббуси билан одамлар жисмоний фаолиқ орқали даво топомқда. Аслида, бирор сўм харажатиш шифо топишнинг ўзи катта фойда. Шундай экан, сиз ҳам соғлом турмуш тарзи сари харақатни бугундан бошланг.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Яни Ўзбекистон” муҳбири





Мулоҳаза



Зулфия МЎМИНОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира

“Сув қимматми ёки олтин”, деган саволимга отам доимо “Сув қиммат”, дея жавоб берган. Инсон бу дунёга келиб, илк тўтинган неъматми она сўтидан сўнг сувдир. Ҳаётдан кетар чоғида ҳам у фақат сув сўрайди. “Оғзига сув томизиб тур”, дейилади.

Сув гапирари. Булоқларнинг кўнгириқдек овози бор. Уни тинглай билиш керак. Уни тушуноқ, унга жўр бўлоқ керак. Шаршаралар ҳаёт наволарини куйлайди. Жилгалар, ирмоқларнинг қулдираши жонингга роҳат бағишлайди. Улар ўз тилида — сув тилида гапирари, куйлайди.

Юртим, биз исрофга юз тутиб, сувларингни ифлослади. Сувни исроф қилаётганларга лоқайд бўлди. Нагжада бундан 30-35 йил олдин мамлакатимизда фойдаланилган сув миқдори 62-64 миллиард куб метр атрофида бўлган бўлса, бутунга келиб, 51-52 миллиард куб метрга тушиб қолди. Бу билимсизлигимиз, инсофсизлигимиз, бешафқатлигимиз оқибати.

Уйқудан уйгонганимиздан то уйқуга кетганимизга ҳар биримиз қанчадан-қанча сувни исроф қилаётганимизни тасаввур ҳам қилиб кўрмадик. “Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ”. Бу қадим ибора ҳам бизни инсофга келтиролмади. Жўмрақлардан бемақсад оқиб ётган сув, оддий одам ҳам тузата олиши мумкин бўлган сув қувурларидан йиллар давомида томиб ётган томчилардан тонналаб оқаётган обиҳаётга бераққимиз. Ёз фаслида ичимлик сувга гилам юваётган маҳалладошлар, йил-ўн икки ой машинаси ни айнан шу сувда ялтираётган қўшилар сафига ўзимиз ҳам қўшилдик.



Она Ўзбекистоним, Аллоҳ сенга икки дарё — Амударё ва Сирдарё оралиғидан жой бермиш. Шаршаралар, минг кўзли булоқлар бермиш. Бол мисли ширин сувлар оққан ариқларинг бўйида яшил ва нафармон товланган ялпизларинг бўйини кўклардан то сахий куз қадар хидладим. Хушбўйлик менга момоларимдан мерос қолди. Момоларим ҳеч қачон сувни исроф қилмади. Улар сувнинг жони борлигига мени ишонтирди ва буни исботлади. “Ёмон туш кўрсанг, буни фақат сувга айт, тушинг яхшиликка айланади”, дедилар. Зарлар оққан Зарафшон қанчадан-қанча тушларимга қулоқ солди. Зарафшонда оқиб кетди қайғуларим, андуҳларим, кўркувларим.

“Нонқўрлик қилма”, деган ибора ўзининг қоринни тўйдириб турган неъматни хор қилган одамга нисбатан ишлатилган. У замонларда сувни хор қилган одам бўлмагани учун “Сувқўрлик қилма”, деган ибора боболаримиз тилида бўлмаган. Сувни исроф қилаётган, ифлослантираётган биз бўлдик. Собик иттифоқнинг пахта хомашё базасига айлантирилган юртимиз дарёларидаги обиҳаёт қуриб қолганича, томир-томиригача сўриб олинди. Асосан, тупроқ ўзанли каналлар, ариқларга Амударё ва Сирдарёнинг суви ҳайдалди ва оқибатда 30-40 фоиз сув тупроққа сингиб кетди.

Пахта яққаҳокимлиги йилларида Орол денгизига қилинган шафқатсизлик бадални тўлаш жуда қимматга тушмоқда. Глобал иқлим ўзгариши, минтақада ёғингарчилик камайиб бораётгани сув ресурслари тақчиллигига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриши билан табиатда мувозанат бузилди. Бинобарин, денгизнинг қуриган тубидан Ўзбекистон ва Қозғистон ҳудудида пайдо бўлган 6 миллион гектар майдондан ҳар йили неча ўн миллион тонналаб чанг ва захарли тузлар атмосферага кўтарилиб, олис Помир, Тяньшань, ҳатто Гренландия, Арктика музликларига етиб борди. Ҳалоқат миқёси Марказий Осиёдан ташқарига чиқиб, глобал муаммога айланди. Орол денгизининг сув таъминоти бузилиши Амударё ва Сирдарё ҳавзалари экотизимини издан чиқариб юборди. Сув сатҳи пайсийиши натижасида тўқайзор ва ўрмонзорлар барбод бўлди. 173 турдаги ҳайвонлардан 38 тури жон сақлаб қолди. Популяцияси нодир

миллиондан ошиқ сайғоқнинг юз, икки юз боши, 80 дан ортиқ қуш турининг айрим-айримгина яшайти бугун. Қуриган денгиз тубининг ландшафти ўзгариб, одамзода зарар келтирувчи жараёнлар бошланди. Кум бўронлари, туз кўчкилари инсон саломатлигига таъсир қилувчи ўта хавфли касалликларга сабаб бўлмоқда.

Юртимиздаги ислохотлар туфайли Оролга ва Оролбўйи аҳолиси елкасига



мехр офтоби теғди. Президентимиз 2017 йил 19 сентябрь куни БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқидида Орол фожиясига тўхталиб, дунё ҳамжамиятининг диққатини яна бир бор мана шу долзарб масалага қаратди.

Манзилли дастур ва лойиҳалар учун халқаро донорлик ҳамжамиятлари ресурсларини жалб этиш мақсадида Ўзбекистон ҳукуматининг 2018 йил ноябрь ойидаги ташаббуси билан 2019 йилда БМТ шафелигида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонла шериклик траст жамғармаси ташкил этилди. Экологик, иқтисодий, озиқ-овқат хавфсизлиги, аҳоли саломатлиги, ижтимоий хавфсизлик ҳамда донорлик ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш йўналишлари жамғарма фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланган. Бу борада Ўзбекистон билан биргаликда кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар фаол ҳаракат қилмоқда.

Халқимизда “Оққан дарё оқмай қолмайди”, деган ҳикмат бор. Дарёларимиз янада тўлиб-тошиб, мавжланиб оқишини йўлга

қўйиш борасида мамлакат миқёсида ишга тушган тарихий ҳаракатларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшиш учун, аввало, ичимиздаги лоқайдлик деб аталмиш иллатлардан халос бўлайлик. Сувни ифлослантирмайлик. Қаердадир бир муштипар она

“Адиблар хиебони”даги ҳазрат Навоийнинг пойидаги атиргуларда, шоҳ ва шоир Бобур пойидаги сафсар гулларда, Ойбек пойидаги шаббўйларда, Абдулла Авлоний пойидаги гулхайриларда, Абдулла Қодирий яшаган ҳовлидаги марварид тутларда сувнинг ҳиди бор.

фариштадек поккиза гўдагини чўмилтириш учун тоғорачага сув тўлдирётгандир. Қаердадир тилло патли қушчалар қанотларини сувга ботираётгандир, қаердадир йўлбарслар эмаклаб келиб дарёдан сув ичаётгандир, қаердадир кийикчалар сув симираётгандир.

Сувни ифлос қилмайлик. Бу дарёлардан не-не авлиёлар чанқоғини қондирган, таҳоратга сув олган. Онларимиз гавҳар сочини шу сувда ювганини, деҳқону чўпон боболаримиз қотган нонини шу сувда ивтиб тановул қилганини кўз олдимизга келтирайлик. Инсон чин дунёга кетар чоғида ҳам сочидан тирноғига сувда ювлади, уни то маҳшар поклағувчи ҳам сувдир.

Сув йўқ жойда тоза ҳаво ҳам, хушбўй насим ҳам йўқ. Сувнинг ифори бор, ҳиди бор. У анвойи гуллар япроқларида, оқ қизил, қирмизи олмадар бўйида бизни энтиктирмиш. Саҳар чоғи соғилган сувда, дастурхонимиздаги нонда, оналаримизда сув ҳиди бор. Оталаримиз ичаётган новвот чойдадир сув ҳиди.

“Адиблар хиебони”даги ҳазрат Навоийнинг пойидаги атиргуларда, шоҳ ва шоир Бобур пойидаги сафсар гулларда, Ойбек пойидаги шаббўйларда, Абдулла Авлоний пойидаги гулхайриларда, Абдулла Қодирий яшаган ҳовлидаги марварид тутларда сувнинг ҳиди бор.

Сувнинг жасоратли тарихи бор. 1939 йилнинг жазирама ёзида ҳашар йўли билан

бошланган ҳамда қисқа муддат, яъни 45 кун ичида қуриб битказилган Катта Фарғона каналининг шонли тарихидадир сувнинг ҳиди. Кетмон, замбил ва белкураклар қурувчиларининг асосий меҳнат қуроли бўлган. Биринчи кунлардаёқ каналдан 510 минг куб метрдан ортиқ тупроқ қазиб олинган. Маълумотларга кўра, халқ ҳаширида 180 минг ишчи ва деҳқон ҳамда 3000 муҳандис — техник ходим қатнашган.

Президентимизнинг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосан, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида экилган ва экилаётган кўчлар буй чўзган бўстонлардадир сувнинг ҳиди.

Сув тежовчи технологияларни жорий этган деҳқон ва тадбиркорларни давлатимиз қўллаб-қувватлаб, субсидиялар ажратмоқда. Атрофга боқсангиз, тежамкор технологияларга ўтаётганлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Айниқса, томчилаб, ёмғирлатиб, дискрет усулда суғориш, ерни лазер ускунасида текислаш оммалашмоқда. Сувни тежовчи технологияларни қўллаш орқали нафақат сув тежаланти, ҳосилдорлик ошиши ҳисобига яхшигина даромад кўраётганлар сафи кенгаймоқда.

Сувнинг жони бор. Шоҳлари осмонга теккан дарахтларда, иллариди полапонларига эмак тутаётган қушларнинг митти жонида, чумолларнинг беозор қарвонида, онасини эмаётган тойқоқларнинг оғзидан оқаётган сувда сувнинг жони бор. Сувсиз бир лаҳза яшай олмайдиган тила бадиқлар айтсин, гуллардан бол йиғайтган асаларилар айтсин, сувсиз сайрай олмайдиган қалқичлар айтсин сувнинг жони қандай ширинлигини. Сувнинг ширин жонига қасд қилмайлик. Бориди қадрига етайлик.

Сайёҳлик

Юртимизда ўзида ўтмиш сир-синоатини мужассам этган кўҳна манзиллар бисёр. Тарихий обидалар, муқаддас зиёратгоҳу қадимжолар, ноёб табиат кеча ва бугун ўртасидаги узвийлики ўзида акс эттиради. Ана шундай мўъжизалардан бири бўлган тошўрмонлар сукут сақлаганча бизга неларидир сўйлаётгандек бўлади.



“Тошўрмон”

Қизилқум саҳросидаги мўъжиза

даврдари дарахтлар ва сув остиди ўсадиган паст буталар дарё бўйларида жойлашган. Теварак-атрофдан кум сув билан оқиб келиши натижасида аста-секин дарахтлар атрофига йиғилиб, тошга айлана бошлади. Натижада ўсимликлар қуриди. Бутунлай қуриб битган дарахтлар ўрнида бўшлиқ пайдо бўлади, бу бўшлиқ кум ва чўқинди билан қопланади. Миллион йиллар давомида бу чўқиндилар тошга айланган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас, — дейди Сармишсой давлат музей кўриқхонаси раҳбари Рамазон Эгамов.

Бугунги кунда вилоятда 500 га яқин археологик, 300 дан зиёд меъморчилик ёдгорликлари рўйхатга олинган. Шу ўринда Сангижумондаги қимирлаб турувчи улкан тошлар, Сармишсойдаги тошга ўйиб чизилган қоя суратлар, Нурота чашмаси ва бошқа ёдгорликларни таъкидлаб ўтиш жоиз. “Тошўрмон” мўъжизаси ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига тобора кўп жалб қилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, дунёнинг кўплаб мамлакатларида ноёб тошларнинг сеҳрли олами ўзида мужассам этган шундай

“тошўрмон”лар мавжуд. Масалан, Юнаён провинциясида 350 квадрат километр майдонни эгаллаган “Тошўрмон” миллий парки Хитойнинг табиий ёдгорликлари рўйхатига киритилган. Лена дарёсининг Якутск оқимидан 60 километр юқориди жойлашган яна бир “Тошўрмон” сайёҳларнинг сеvimли масканига айланган.

Болгарияда эса Варна ва София шаҳарлари орасида жойлашган ажойиб “Тошўрмон” 50 миллион йиллар олдин денгиз бўлган бу жойларда сув тугаб, кварцли кумлар бирлашган ва мустаҳкам тош устунларга

айланиши натижасида вужудга келган. Тахминларга кўра, АКШнинг Аризона чўлларида ястаниб ётган “Тошўрмон” энг катта ҳудудга эга. Қизилқум саҳросидаги мўъжизавий маскан эса ўзида тарихни ёрқинроқ акс эттиргани билан улардан фарқ қилади. Маълумотларга кўра, Қизилқум саҳросининг геологик ҳолатини ўрганиш учун

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рқам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 742. 44621 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова Мусахҳи: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29